

АЛИШЕР НАВОИЙ ДОСТОНЛАРИДА ФАҚР, ФАНО ВА ЗИКР МУНОСАБАТИ ТАЛҚИНИ

Баймиров Муслим

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти

Ақоид ва фикҳий фанлар кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада дунё динлари, фалсафаси ҳамда илм-фанида фақру фано ҳақидаги қарашлар қисқача тўхталиниб, бу тушунчанинг Алишер Навоий достонларидаги талқини хусусида фикр юритилади. Навоий достонларидаги фано талқинларини тадқиқ этишида, аввало, достонларда фақр талқини, фано ва зикр муносабати масаласи, фанонинг маъно товланишлари каби жиҳатларга диққат қаратилади.

Калит сўзлар: солиқ, мақом, сулук, фано, бақо, ваҳдат ул-вужуд, унс, нафс, нафси аммора, тавҳид, жамъ, тафриқа, саҳф, суқр, зикр.

Улуғ ижодкор лирик асарларида фақру фанони атрофлича талқин қилгани каби лиро-эпик, эпик ижод намуналарида ҳам бу мавзунини давом эттирган. Зеро, фақр ва фано жуда кенг масала эканига шоирнинг ўзи ҳам такрор ва такрор эътибор қаратган:

Фақр эрур бир лафзу шарҳи ёзилур юз минг китоб,

Не учунким хуш келур айтурда итноби анинг [Алишер Навоий 2012: 356]. Ҳақиқатан, дунё динлари, фалсафаси ҳамда илм-фанига назар солинса, фақру фано ҳақида жуда кўп ва кўҳна қарашларга дуч келинадики, улуғ мутафаккирнинг ушбу фикрлари нақадар ҳақиқат эканига шак-шубҳа қолмайди. Машҳур “Стенфорд фалсафа энциклопедияси” (Stanford Encyclopedia of Philosophy)да йўқлик фалсафаси Хитой, Ҳиндистон ва Юнонистонда милоддан аввалги V асрда вужудга келгани айтилади [<https://plato.stanford.edu/entries/nothingness>]. Ҳиндистонда фанога яқин истилоҳ “нирвана” бўлиб, у буддизмнинг марказий тушунчаларидан ҳисобланган. Буддизм асосчиси “Будданинг асосий ғояси –бошқа шаклга кириш, халос бўлишва нирванага етишишдир. Нирвана –инсоннинг буюк маънавий ҳолати бўлиб, ҳақиқий билим билан равшанлашади” [Фалсафа (қисқача изоҳли луғат 2004: 76)]. Ғарб фалсафаси милоддан аввалги V асрда яшаган Пармениддан тортиб, Арасту, Ньютон, Декарт, Ҳегел, ҳатто Эйнштейнгача –барчаси йўқлик (“Nothingness”) ҳақида баҳс юритган ва аксарият ҳолларда қатъий тарзда борликни ундан юқорида қўйишган. [https://en.wikipedia.org/wiki/Nothing#cite_ref-18] Ҳегелда бу масала талқини тасаввуфий дунёқарашга анча яқин келади. Ҳегел фалсафасидаги тезис (the absolute is pure being –Мутлақ борлик), антитезис (the absolute is nothing –Мутлақ йўқлик), синтез (the absolute is becoming –Мутлақ борликқа қайтиш) тушунчаларида бу яққол кўзга ташланади [Russell1995: 701–704.]. Адабиётшунос Сувон Мелининг фикрига кўра, япон файласуфи Китано Нисида (1870–1945) Шарқ ва Ғарб фалсафаси ўртасидаги принципиал фарқни Ғарб маданияти борлик ғояси (идея бытия)га асосланиши, Шарқ

тамаддуни марказида эса йўқлик (идея небытие) гоёси туришида кўради [Сувон Мели 2019: 34].Кўринадики, дунё фалсафасида фанога яқин тушунчалар мавжуд ва улар минг йиллар мобайнида диққат марказида бўлган масалалардан. Шу сабабли бугунги кунда тасаввуф илми билан шуғулланаётган баъзи ғарб шарқшунослари ушбу таълимотнинг хинд маданияти таъсирида вужудга келганини даъво қилиб, бунга илк далил сифатида айнан фано мақомининг буддизмдаги нирванага ўхшашлигини келтирмоқдалар [Аудаоған 2020:8]. Албатта, тасаввуф ва унга алоқадор тушунчаларнинг ислом билан чамбарчас боғлиқ эканига шубҳа йўқ. Лекин бундай асосиз даъволар шуни кўрсатадики, умуман тасаввуф фалсафасини, айниқса, фано масаласини жиддий ўрганиш, унинг шарқ фалсафаси, бадий адабиётидаги талқинлари моҳиятини тўла очиб бериш ва дунё илм-фанига тақдим эта олиш жуда долзарбдир. Демак, ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, Алишер Навоий ижодидаги фано талқинларини махсус текшириш айна нуқтаи назардан ҳам аҳамиятли.Навоий дostonларидаги фано талқинларини тадқиқ этишда, аввало, дostonларда фақр талқини, фано ва зикр муносабати, беранглик, беҳижоблик ва беҳушлик (хушдан кетиш), фано ва мавт масаласи, фанонинг маъно товланишлари каби жиҳатларга диққат қаратиш мақсадга мувофиқ.Биз ушбу мақоламизда фақат дастлабки икки жиҳат: дostonларда фақр талқини, фано ва зикр муносабати хусусида фикр юритмоқчимиз. Аввало, дostonларда фақр талқини масаласига тўхталсак. Алишер Навоийнинг “Лисону-т-тайр” дostonида фақр солиқнинг талаб, ишқ, маърифат, истиғно, тавҳид, ҳайрат водийларидан кейин, фанодан олдин эришадиган мақоми сифатида тасвирланади. Адабиётшунос Нодир Рамазонунинг Жомийнинг “Лавойих”ига таяниб фикр билдиришича, “фақр ҳақиқатига етмоқ, аслида, комилликдаражасига етмоқдир. Шу сабабли ҳам тасаввуфда “Ал-фақру изо тамм – хуваллоҳи” (“Фақрнинг охири –Оллоҳдир”) дейилган” [Рамазонов 2019: 12]. Фақр соҳиби фақир дейилади. Фақир –арабча “молга муҳтож одам” маъносини англатади. Тасаввуфга кўра, фақир фанофиллоҳ даражасида бўлиб, ўзида кўрган ҳар бир нарса ўзига тегишли эмас, балки Аллоҳга тегишли ва Аллоҳ тарафидан деб билади ҳамда буни чуқур англаб етади. Фақир ўзида дунёвий ва уҳровий борлиқни кўрмайди. Иброҳим Бухорий Калободий бу тўғрида шундай дейди: “фақр-молинг бўлмаслик, бўлса ҳам сенга мансуб бўлмаслик, фақир эса ҳақиқат маърифатига ниёзманд кишидир” [Шайх Нажмиддин Кубро 2004: 250]. Фақр шундай юксак мақом бўлганидан фано аҳллари уни ҳақиқий бойлик деб биладилар:Лек икинчи буки, аҳли фано Ким ўзига фақрни билгай ғино[Алишер Навоий 2011, 6: 101].“Ҳайрату-л-аброр”да солиқ фано елига мулкини бериб, фақр йўлини танласа, Тангри унга фано тожини кийдириши Иброҳим Адҳам мисолида қуйидагича бадий талқин қилинади:Қилдичу Адҳам халафи тарки жоҳ, Тожи фано бошиға қўйди Илоҳ.Берди фано елига мулку ҳашам, Бодиянинг қатъиға қўйди қадам [Алишер Навоий 2011, 6: 102]. Дostonда фано кўчасида фақр жомидан сипқориб, фақирона қадам ташлаш солиқ учун аъло машғулот экани келтирилади:Аvlo эрур улки, уруб гоми фақр, Кўйи фано ичра чекиб жоми фақр[Алишер Навоий 2011, 6: 298]. Бундан хулоса қилиш

мумкинки, фақр –фано мақоми йўлида эришиладиган мартаба. Навоий “Садди Искандарий”даги “Искандар била ул гадолиғ ихтиёр этган подшо, балкифилҳақиқат подшолиққа етган гадо ҳикояти” орқали ҳам фақрсиз фано бўлмаслигини уқтиради. Ҳикоятда тож таркини қилган гадо ҳақида “элни фано сори тарғиб этар” дейилади. Искандар бу гадога яна шоҳлик таклиф қилса, у фақирликдек давлатдан кечиб, шоҳлик мартабасини қабул қилмаслигини айтади:

Деди: Ҳиммат ўлмиш манга ҳамнишаст, сен истардек эрмас,

Вале асру пастки, тарк айлабон фақр сармоясин, Писанд этгамен шоҳлиғ поясин [Алишер Навоий 2011, 8: 94]. Манбаларда фақрнинг икки хил бўлиши таъкидланади: зоҳирий фақр ва ботиний фақр [Göztepe, 2006: 259]. Буни баъзи манбаларда расмий ва ҳақиқий фақр деб ҳам келтирадилар [Рамазонов 2019: 12]. Тасаввуфда ботиний фақр аҳамиятли бўлгани сабабли зоҳирий фақр ҳақида кўп сўз юритмайдилар. Мабодо сўз юритилганда ҳам ботиний –ҳақиқий фақрни чуқурроқ англатиш мақсад қилинади. Бу ҳолат бадий талқинда ҳам ўз аксини топади. Хусусан, “Ҳайрату-л-аброр”да хирқа кийган риёкор шайхлар хусусидаги тўртинчи мақолат ҳамда “Лисонут-тай222р”нинг XXXV бобида тўти узрига худҳуднинг насихати тарзида келтирилган фақир суратида бозорга ҳийла билан қадам кўйиб ғавғо кўтарган, зоҳиран фақир-у ботинда бутун вужуди нафсига кул кимса ҳақидаги ҳикоятларда зоҳирий фақир шамоили чизиб кўрсатилса, “Сабъаи сайёр”нинг XXI бобидаги Фаррух ва Ахий ҳикоятида ҳақиқий фақирлик моҳияти очиб берилади. Умуман олганда, Навоий дostonларида зоҳирий ва ботиний фақр қиёсланиши орқали ҳақиқий фақр моҳиятига эътибор қаратилади ҳамда чин фақирлик ҳақида ўқувчида шундай хулосапайдо бўлади: Дема фақр кўйи гадойин гадоКи, шаҳлар шаҳи қилмиш они худо [Алишер Навоий 2011, 8: 91]. Фақирликнинг зоҳирий белгиси хирқадир. Хирқаи фақр дарвеш, яъни фақирнинг хирқаси –либосини англатади. Фақр хирқасининг моҳияти солиқ учун юз жаҳондан кенгроқдир: Либоси фақри кенграк юз жаҳондин, Жаҳон силки келиб бир ришта ондин [Алишер Навоий 2011, 6: 329]. Фақр кўпинча сўфийлик, фақир эса дарвеш, солиқ маъноларида ҳам қўлланади. Жумладан, кўйидаги байтда хирқаи фақр сўфийлик, дарвешлик хирқаси маъносида келмоқда: Англабон ул дард ила ҳолат анга, Хирқаи фақр этти ҳаволат анга [Алишер Навоий 2011, 6: 213]. Яна шу жиҳат ҳам борки, мутасаввифларнинг таъкидлашича, фақр асосан кўнгил ҳоли бўлиб, ҳақиқий фақир хирқага муҳтож эмас: Дарвешлик хирқа билан тож эмас, Кўнглини дарвеш айлаган хирқага муҳтож эмас [Sebesioğlu 2009: 153]. Иккинчи жиҳат –фано ва зикр муносабати хусусида. Фанога интилган солиқ бажариши шарт бўлган амаллардан бири –зикрдир. “Насойиму-л-муҳаббат”да келтирилишича, шайх Абулаббос Динаварий к.с.дан сўрадиларки, “Тенгрини не била танидинг? Дедики, мунинг билаки, танимадим, яъни ажзга эътироф била. Ул дебдурки, зикрнинг энг ози Ҳақдан ўзгасини унутиш. Зикрнинг ниҳояси –зокирнинг зикр ичида зикрдан ғойиб бўлишидир. Маъшуқига ғарқ бўлиш зокирни зикр мақомига қайтишдан қайтарса, “фано фил фано ҳолидир” [Алишер Навоий 2011, 10: 174].

Зикр –эсламоқни ифодаловчи арабча сўз, унутмоқнинг тескариси. Қўрқув (хавф) ёки ишқнинг кўплиги сабабли ғафлат майдонидан мушоҳада майдонига чиқиш. Зикр орифларнинг сайри, муҳиблар мустаҳкам турган жой, ошиқларнинг шаробидир. Зикрнинг ҳақиқати зикр қилинган (Аллоҳ)дан бошқасини унутишдир. Масалан, “Лисону-т-тайр”нинг “Талаб тарийқи адосида муножот” қисмидалирик қаҳрамоннинг Тангрига муножотидан аён бўладики, хотирдан мосиваллоҳни салб этиш, яъни Аллоҳдан бошқасини унутиш усули ҳам –зикр, қалбнинг ҳузури ҳам – зикрдир: Мосиваллоҳ хотиримдин салб қил, Онда зикрингни ҳузури қалб қил [Алишер Навоий 2011, 9:269]. Зикрнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, Навоий дostonларида уларнинг ҳар бири бадий талқинига гувоҳ бўлиш мумкин. Уларга эътибор қаратамиз: а) Тил зикри. Бунга дил ёрдам беради, муҳиб Маҳбубни тинимсиз такрорлаш билан завқланади, Унинг исмини эшитишдан ҳузур топади. Жумладан, “Лайли ва Мажнун” дostonида Лайли жамолида Ҳақнинг жилвасини кўрган ошиқ Мажнуннинг руҳий ҳолати шундай тасвир этилади:

Йўқ ҳеч сўз айтмоққа майли,

Айтур сўзи бу қадарки: “Лайли”.

Ҳам Лайли ўлуб тилида зикри,

Ҳам Лайли ўлуб ичида фикри [Алишер Навоий 2011, 7:130].

Мажнун “Лайли” исми билан гўё Ҳақни зикр қилар экан, унда фано ҳоли юз бера бошлайди ва у қаёққа юзланса, кўзига Лайли жилва қилади: Ҳарённазар этса ошкоро, Лайли назарида жилва оро [Алишер Навоий 2011, 7:130]. б) Қалб зикри. Бу маъшукнинг ҳақиқатини қалбан тасаввур қилиш ва бу тасаввурда диққатни жамлаш деб таърифланади. Бу муножотдир. Кўнгилдаги маънонинг таржимони бўлса-да, бундай муножотлар “тафриқа (ажралиш, айрилиш) муножоти” деб аталади. “Ҳайратул-аброр”нинг XIX бобида хумоюнбол қуш –кўнгилнинг нарсалар олами гулистонидан фаришталар олами шабистонига сайр қилиб, у кенг манзилнинг шамъ ва машғаллари сўзловчи тилидан “Вазкур исма роббика ва табаттал илайҳи табтило”, яъни “Ва Роббингнинг исмини зикр эт ва Унинг ибодатига бутунлай ажралиб чик” (Муззаммил, 8-оят) ҳукми билан асл Яратувчи зикрига зокир эканини билади: Борчасида зикру сужуд англади, Маърифатуллоҳға шухуд англади [Алишер Навоий 2011, 6:76]. Бундан ҳайратланган кўнгилнинг бир оламдан яна бир оламга боргани ва бу ҳайратдан беҳуш бўлгани бадий талқин этилади. “Фарҳод ва Ширин”да эса зикр малаклар ва тақводорларнинг кўнгил озиғи экани айтилади:

Емак комини кўнглидин йўқ айлаб,

Малакдек зикр ила кўнглин тўқ айлаб [Алишер Навоий 2011, 6:317].

Сирнинг зикри. Ҳавасул ҳавасдан бўлган вуслат аҳлининг мақомидир. Бу зокирнинг зикрда бутунлай эриб кетишини англатади. Айни ҳолга кўтарилган зокир тариқат одобига кўра пинҳон сақланиши лозим бўлган сирларни ошкора зикр қила бошлайди. Бу ҳолатни “Лисону-т-тайр”да Мансур Ҳаллож мисолида кўриш мумкин:

Бўлди чун Мансур тавҳиди дуруст,

Ким “Анал –ҳақ!” эрди алфозида чувт [Алишер Навоий 2011, 9:223].

Сулаймон Улудағнинг таъкидича, зокир зикрда Мазкурдан бошқасини хотирламайди, ўзини йўқотади, қилган зикрининг ҳам фарқига бормайди. Шу сабабдан зикр ўзидан кечиб (ғайбат, важд), Ҳақни топиш (вуслат, вужуд) ҳолидир [Uludağ: 1995]. Ушбу фикрлар Мансурнинг ҳолини англашга йўл очади. Яна айтиш мумкинки, зикр учун аниқ вақт йўқ. Аллоҳ таоло “Қуръони карим”да “Мени зикр этиш учун намозни тўкис адо эт” (Тоҳа/14), “Аллоҳнинг зикри улуғдир” (Анкабут/45) дейди. Бу оятлар зикрга берилган илоҳий баҳодир. Зикр барча ибодатларнинг умумий маъноси бўлиб, ҳар бир ибодатга –намозга, закотга, рўзага, жиҳодга хосдир. Ибодатлар Аллоҳ зикрининг турли шаклларига ўхшайди. Аллоҳни зикр қилиш кундалик ҳаётнинг деярли ҳар бир босқичида –тик турганда, ўтирганда, ёнбошлаб ётган ҳолда ҳам амалга ошаверади (Оли Имрон/191). Яъни зикр қилишда бошқа ибодатларда бўлгани каби расмиятчилик ва муайян шарт-шароит йўқ. Айтилган бу жиҳатларнинг барчаси Навоий дostonлари қаҳрамонлари ҳолатига тўла мос келишини кўриб ўтдик. Зикр ҳақида яна шуни айтиш мумкинки, кўнгил аҳлидан бўлган бир зот шундай насиҳат қилади: “Уч нарсада қалбнинг ҳузур топадими ёки йўқми, изла. Булар намоз, зикр ва Қуръон ўқишдир. Агар сен шулардан ҳузур ва лаззат туйсанг, нақадар яхши! Агар лаззат олмасанг ҳақиқат эшиги сен учун ёпиқдир”. Зикрнинг борлиқдаги иштироки нозиклиги қисқача қуйидагича: Инсон кўп зикр қилган нарсасини севади, севган нарсасини танийди, таниганига таслим бўлади, таслим бўлганда дўст ва хизматкор бўлади [Sebecioğlu 2009:377]. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Алишер Навоий ўз дostonларида лирик асарларидаги каби фанонинг бадиий талқини масаласига жиддий ёндашган. Бу мавзунинг дostonларда ёритилиш масаласини тадқиқ этиш ҳамда дostonлар моҳиятини чуқур англашда фақр ва фанонинг нозик фарқлари ҳамда зикр каби фанонинг шартлари хусусида атрофлича фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЕТЛАР:

1. Aydaoğan Şemsettin. Tasavvuf Ehline Yöneltilen Tenkitlerin Değerlendirilmesi: İbn Teymiyye, Mecmûu Fetâvâ Örneği. Yüksek lisans tezi. –Malatya: 2020. –S.8.
2. Sebecioğlu Ethem. Tasavvuf terimleri ve deyimleri sözlüğü. Ağaç Kitabevi Yayınları, 2009. –S.377.
3. Göztepe Yüksel. Abdülkerîm Kuşeyrî’de hâller ve makâmlar: Doktora Tezi. –Ankara, 2006. –S.259.
4. https://en.wikipedia.org/wiki/Nothing#cite_ref-18
5. <https://plato.stanford.edu/entries/nothingness/>
6. Russell Bertrand. History of Western Philosophy. –Routledge, 1995, pp. 701–704.
7. Uludağ S. Tasavvuf terimleri sözlüğü. –İstanbul: Marifet Yayınları, 1995. –S.588.
8. Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. ТАТ. 10 жилдлик. –Т.: Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2011. Ж. 2. –772 б.
9. Алишер Навоий. Хамса: Ҳайрат ул-аброр. Фарҳод ва Ширин. ТАТ. 10 жилдлик. –Т.: Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2011. Ж. 6. –808 б.

10. Алишер Навоий. Хамса: Лайли ва Мажнун. Сабъаи сайёр. ТАТ. 10 жилдлик. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. Ж. 7. –696 б.